

---

"Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар хонадонларига бепул товуқлар тарқатилмоқда

Ўзбекистон туманида эҳтиёжманд, "Темир дафтар" ва "Аёллар дафтари"га киритилган оилалар вакиллари хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадини ва меҳнат фаоллигини ошириш бўйича керакли чоралар белгиланиб, амалий натижаларга ҳам эришилмоқда.

Хусусан куни-кеча ана шундай тадбирларнинг давоми сифатида, тумандаги 18 нафар "Аёллар дафтари" рўйхатидаги хотин-қизлар хонадонларига бепул 300 та товуқ тарқатилди.

Сектор раҳбарлари ташаббуси билан ташкил этилган тадбирни амалга оширишда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши асосий кўмакчи бўлди.

Бу каби тадбирлар туманда изчил давом этмоқда.

2021-04-05 17:47:02